



НАВРЎЗ – БАҲОР ВА ШОДЛИК АЙЁМИ

# ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ахолининг дам олиши учун қулаи шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2012 йил 21 март чорсанба дам олиш куни 22 март пайсанба кунига, 25 март якшанба дам олиш куни 23 март жума кунига кўчирилсин;

2012 йил 21 март чорсанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб ўзлон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 19 март

**Наврӯз байрами арафасида Ўзбекистон  
Миллий ахборот агентлиги – ЎзА  
мухбири Малайзиянинг  
мамлакатимиздаги Фавқулодда ва  
мухтор элчиси Абдулазиз бин ҲАРУН  
билин сұхбатлашди.**

«Наврӯз – 2012»

## АБДУЛАЗИЗ БИН ҲАРУН: ХАЙРЛИ ИШЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

– Бу йилги Наврӯз айёми Ўзбекистон учун ҳам, Малайзия учун ҳам жуда мухим сана – ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланадиган йилда байрам килинмоқда, – дейди Абдулазиз бин Ҳарун. – Шарқ тақвимига кўра, йил боши, янги кун хисобланадиган Наврӯзда эзгу түдугулар жўш уради, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамхиҷатлик каби фазилатлар янада мустахкамланади. Миллий урф-одатлар, айнан ҳамда қадирларнингизни ўзида мужассам этган Наврӯзинг умрбокийлигига хикмат кўп.

Ўзбекистон табиати ҳар фаслда гўзал тароват ва қўринишига эга. Наврӯз келиши билан табиат узоғ қиши ўйқусидан уйғониб жонланади, наботот ниш уради, юртнинг кут-баракаси, тўқинлиги ва фаровонлиги манбаи бўйган зироат, дехқончилик ишлари бошланаб кетади. Ўзбекистон ҳалқи ҳам баҳорнинг ilk кунларини дехқончилик, боғдорчилик ва зироат ишларини бошланаш мавсуми сифатида кенг нишонлади. Қиши фаслидан чиқиб, баҳор айёмига соғ-саломат этиб келингани ҳамда ерга уруг қадайдиган фурсат етгани муносабати билан дехқонларнинг баҳор байрамини катта кувонч билан қарши олмоқда.

(Давоми 2-бетда)


## Фаҳр

## ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛАДИ

Шу йилнинг 16 марта куни Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Сессияда пойтахтимизда йилнинг 16 марта куни Ҳалқ депутатлари ташқари сессиясидағи нутқларда эришилган улкан ютуқлар қайд этилди, кўплаб муаммолар таҳлил қилиб берилди. Шу билан бирга, унда янада гўзал ва обод шаҳарга айлантириш билан боғлиқ йўналиш, режа ва лойиҳалар ўртага ташланди.

Юрбошимиз нутқи ҳамшаҳарларимиз қалби ва онгида Ватанга муҳаббат түйғусини жўш урдирди, юз берәётган жараёнларга дахлдорлик ҳиссini кучайтириди.



Улуғбек ИСМОИЛОВ,  
«Дойче Кабель» ОАЖ қўшма корхонаси кузатуви Кенгаши раиси:

– Йилгима йиллик тарихан киска бир даврда мамлакатимизда чинакам тадбиркорлик соҳаси юзага келди, шаклланди, ривожланиш боғичига кирди.

Президентимизнинг шу йилнинг 16 марта куни Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаҳарда ишлаб чиқарилган ялии худудий маҳсулотдаги хиссаси 2010 йили 49,9 физизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткин 53,1 физизга етганлиги қайд этилди ва тадбиркор сифатида бу мени беҳад хурсанд қилди. Модомики, жами махсулотнинг яримдан кўпай айнан шу соҳа томонидан ишлаб чиқариладиган экан, тадбиркорликни янада ривожлантириш лозим бўлади.

Юрбошимизнинг шу билан боғлиқ яна бир фикрларига алоҳида этибор қарратмоқчиман. Бу янги иш жойлари ташкил этиш масаласи.

Хозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали кўпдан-кўп янги иш жойлари ташкил этиш зарур. Бунинг учун барча шароитлар ва хукукий база яратилган.

Давлатимиз раҳбари, бу борадаги айrim бироротик тўсиклар ҳақида ҳам куончаклик билан танқид-таҳлилий фикрлар айтдилар. Шу соҳа вакили сифатида буларни мен, юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик маданиятини юксак дараҷага кўтаришга қаратилган даъватлар, деб биламан.

Келинглар, азиз тадбиркорлар, шаҳримиз иқтисодий тараққиётiga муносиб ҳисса қўшайлик, ишлаб чиқаришнинг янги-янги соҳа ва шоҳобчаларни ташкил этиб, қўшимча иш ўринлари барпо этайлик, шу тарика ҳам бизнесимизни ривожлантирайлик, ҳам аҳоли турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшайлик.

Отабек МАҲКАМОВ,  
«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари:

– Юрбошимизнинг «Энг мухими, бугунги кунда юртимизда ҳаёт сифати ўзгариб, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг нафақат онгу тафаккури, балки турмуш маданияти, айтиш мумкинни ҳатто кийинши маданияти ҳам юксалиб бормоқда...» дега биз ёшларга қаратиган алоҳида этибори қалбимни кечисиз гурӯифтихорга тўлдириди. Чунки, Мустақил давлатимизда ёшлар камолоти ўйлида барча шарт-шароитлар яратилган.

Биз Ўзбекистон ёшлари, бу пурмашни сўзларни чукур англаниши ва қалбимизга жо этишимиз лозим. Бу бизнинг муқаддас бурчимизdir.

2012 йил 20 МАРТ, СЕШАНБА

№ 57–58 (12.118–12.119)

Баҳоси эркин нарҳда



## МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврани учун тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўтасида анъавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови мамлакатимизда яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, юкори натижаларга эришаётган тадбиркорлик субъектларни кўллаб-куватлашаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, ўзаро соғлом ракобатни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда болалар спорт мажмуаларини қуришда уларнинг нафақат сифатига, балки жойлашган ўрни ва ландшафтiga ҳам алоҳида аҳамият берилади. Бу спорт мажмуаларига одамлар зтиборини жалб этиш, спорт билан шуғулланувчилар сонининг тобора ортишига хизмат қилмоқда.



### Болалар спорти

## МЕҲР-ЭЪТИБОР, ФАМХЎРЛИК БОР ЖОЙДА ИСТЕДОДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Хавзалари, спорт заллари ва майдонлари ўтгил-қизлар билан гавжум.

«Чilonzor» болалар спорт мажмуасида бугунги кунда олти юз ўттиздан ортик ёш, жумлдан, 217 нафар киз спорт билан мунтазам шуғулланмокда. 2008 йилнинг 1 ноябрьда ишга туширилган ушбу мажмуянига олтинарни тасдирига киритилган спорт турлари – футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, теннис, стол тениси, бадмин гимнастика, эркин курашга ихтиослашган. Шунингдек, бу ерда акробатика ва шахмат бўйича ҳам секциялар фаолият кўрсатмоқда. 14 нафар мураббиу болаларга спорт сирасориони кунт билан ўргатмоқда.

– Бугун болалар учун барпо этилган мана шундай спорт мажмуалари, уларда яратилган шарт-шароитларни кўриб ич-ичимдан кувонманам, – дейди «Чilonzor» болалар спорт мажмуаси директори Турсунбой Абдураимов. – Ёшлигимда спорта жуда қизикардим. Ақа-укаларим, махалладаги болалар билан кўчанинг икки четига тошдан «дарвоза» ясаб, фут bolt ўйнадик. Ота-оналаримиз эса машинадар катновидан хавотирланб, юрак ҳувулаф ўтиради. Бугун деярли ҳар бир мажмаларнинг ўт стадиони, замонавий спорт мажмуаси бор. Болаларни соглом турмуш тарзига кенг жалб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шарот яратилишишларига дунёнинг хеч кайси мамлакатида бизнинг юртимиздагидек катта

этибор қаратилмаса керак, деб ўйлайман.

Дарҳаққат, ҳозир ҳар бир худудда замонавий спорт мажмуалари, майдон ва бассейнлар бор, малақалар мураббийлар низорати остида жисмоний тарбия ва спорт асосларини тўғри ўрганиш имконияти мавжуд. Қизлар учун алоҳида шарт-шароити яратилган. Энг мухими, бугун ота-оналар фарзандларни спорт мажмуаларига ўзлари бошлаб келмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт бола тарбиясининг мухим бўйини, ўтгил-қизларнинг кундадишига яшайлашади.

– Ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси соглом фарзандони вояжи етказишидир, – дейди бадиий гимнастика бўйича олий маълумоти мураббия Айжан Ибрагимова. – Бу жарайёда болаларнинг ўтишилек чиғодидан спорт билан дўст бўлиши мухим. Чунки спорт боланинг ўтишида ишланишига қатнашиш орқали қатъиятилик ва мардлик хусусиятиларининг шаклланishi, галабага интилиши, мустаҳкам иродага эга бўлиши учун пухта замонни яратади. Ўтгил-қизлар саломатигига учрайдиган айрим нуқсон ва камчиликлар факат спорт машгулотлари орқали бартараф этилади. Мисол учун ўти болаларда учрайдиган сколиоз – умротка погонаси чийшайшининг олдини олиш ва даволашда спортнинг, айниқса, гимнастиканинг ўрни бекиёс экани мутахасислар томонидан ишботланган.

(Давоми 7-бетда)

## ЖАҲОНДА

• Украина Олий радасининг «БЮТ-Батъившина» фракцияси депутатлари сигарет чеккан ва спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳомиладор аёллар ва вояга етмаган ўсмирилар учун маъмурӣ жавобгарлик чораси кўрилишини назарда тутувчи янги конун лойиҳасини тайёрлаб, парламент этиборига хавола этиди. Янги конун лойиҳасига кўра, ҳомиладор аёл ёки вояга етмаган ўсмири жамоати сигарет чекиб кўлга тушса, унга нисбатан 51 дан 85 гринвичча миқдорда жарима жазоси қилган шахслар ҳам бундан мустасно эмас. Агар иккинчи бор шу айблар билан ушланса, жарима миқдори ортади, яъни 170 гринвич тўлашга мажбур килинади. 16 ёшгача бўлган ўсмириларнинг бу «қилиқлари» учун ота-онаси жавобгар бўлади – жаримани улар тўлайдилар.

• Вьетнам кирғокларида «Силвер Шэдоу» саёҳат кемаси контейнер ташувчи кема билан тўқнашиб кетган. «Силвер Шэдоу» йўловчиларидан бирининг хабарига кўра, бунда кемага жиддий зарар етказилган.

• Франция маъмурияти ҳарбий кисмларнинг аскар ва офицерлари кўчаларда ҳарбий кийимда юришларни тақиқлади. Бундан ташқари, ҳарбий кисмларга кириш кучайтирилган тартибда қўриклиниадиган бўлди. Шу ойнинг ўзида ҳарбийларга нисбатан учта ютилликнинг содир этилиши бундай чоралар кўрилишига сабаб бўлди. Тахлиллар шуни кўрсатдиги, уч ҳарбийга отилган ўқлар бир хил калибрли қуролдан отилган. Айни пайтда суриштирув-қидиривтергов ишлари билан нафақат полиция шуғулланмокда, балки терроризмга қарши кураш бўлинмаси мутахassisлари ҳам бу ишга жалб қилинган.







**"O'RIZOR IXTISOSLASHGAN BOZORI"**  
**МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни фусункор  
 ва қадриятларимизни тараннум  
 этувчи Наврӯз байрами билан самимий  
 муборакбод этади.

**Мустақил Ватанимиз тараққиёти**  
**йўлида амалга ошираётган**  
**ишларингизда омад ёр бўлсин,**  
**дастурхонимиздан доим файзу барака**  
**аримасин, азизлар!**



**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

**Наврӯз** – Ҳунархонада ҳамшиш муборакбод зтамиз!



Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга  
 тинчлик хотиржамлик, қут-барака, баҳт-саодат,  
 Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги  
 фаолиятнингизда янгидан-янги муваффақиятлар  
 тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, куйидагиларни эслатиб ўтамиз:

Газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл кўйманг ва қаровсиз қолдирманг. Ностандарт газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини газ таъминоти тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш, резина ичаклар орқали улаш холатлари газдан бўғилиш, заҳарланиш, ёнгин ва портлаш каби баҳтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Газ асбобларини харид килиш, ўрнатиш ва таъмирлаш масалалари бўйича тумангаз мутахассисларига мурожаат килинг.

Агарда хонадонингизда ёки ертуга ва йўлакларда газ хидини сезиб қолсангиз, дархол тумангаз авария-диспетчерлик хизматига ёки Марказий авария-диспетчерлик хизматига кўйидаги телефонлар оркали мурожаат килинг:

04; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31.

Газ хўжалиги ходимлари етиб келгунга қадар газ жўмрагини беркитинг, эшик-деразаларни очиб хонани шамоллатинг, гугурт ёқманг, чекманг, электр асбобларидан фойдаланманг, электр чирокларни ёқманг, ёниб турганинни ўйрманг! Юкорида қайд этилган ишлар ўз вақтида бажарилса, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўласиз.

Шунун эсдан чиқарманги, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳакини ўз вақтида тўлаш – газ ускуналари ва қувурларини мунтазам текшириб, созлаш ҳамда таъмирлаш учун имконият яратади.

Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин, ҳамиша ҳурсандчилик ва  
 байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!  
 «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» МАЪМУРИЯТИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**KAPITALBANK**

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,  
 МУВАФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ



**Наврӯз  
 байрамингиз  
 муборак бўлсин!**

**МЧЖ «SUPER HOUSE ROOF»  
 ҚўШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни Наврӯзи олам  
 билан муборакбод этади. Орзу-умидлар  
 ҳамда эзгу тилаклар айёми ҳаммамалига  
 баҳт-саодат, сиҳат-саломатлик  
 ва муваффақиятлар олиб келсин.



Кутлуг байрам қунлари ҳамшиҳарларимизга  
 шуни эслатиб ўтмокчи эдики,  
 МЧЖ «SUPER HOUSE ROOF» қўшма корхонаси юқори  
 сифатли шифер маҳсулотини нақд пул ва пул ўтказили  
 ўйли билан ташқилотлар ва аҳолига ўтказиб беради.  
 Манзил: Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 87-үй.  
 Телефон: 295-47-40

Маҳсулот сертификатланган.

**«КО'Р ТАРМОqli КО'СHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб  
 бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСХ-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан Тошкент шахри, Яккасарой тумани, 1-тор Ракатбоши кўчасида жойлашган Д.Г.Бекмуҳаммединова тегишли бошлангич нархи 405 346 599 сўм бўлган, ўй жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м дан иборат бўлган икки қаватли 15-ўй-жой (ховли) кўйилмокда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шахри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлилди.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқ-

Мурожаат учун манзил: Тошкент шахри, Олмазор тумани,  
 Беруний кўчаси, 83-ўй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**КАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР  
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНАРИ**

Наврӯз умумхалқ байрами билан барчангизни қизгин муборакбод этиб, Сизга самимий меҳр ва хурматимизни билдирамиз.

Толеингиз баланд, умрингиз узок, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Калбингиздан Наврӯз шукухи ҳеч қачон аримасин!




**ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ  
АРХИВИ ЖАМОАСИ**

**ОАЖ «Бектемир спирт»  
экспериментал заводи жамоаси**

Ҳамшашарларимизни диёризига фусункор таровати, оромбахш қуёши ва қут-баракаси ила кириб келаётган Наврӯзи олам билан чин қалбдан муборакбод этади.

Наврӯз юртимизга тинчлик, кўнгилмаримизга хотиржамлик, дастурхонимизга тўкин-сочинлик олиб келсин!


**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар

куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР,  
СОҲА ХОДИМЛАРИ!**

Барчангизни нафосат ва янгиланиш тимсоли бўлмиш Наврӯзи олам билан самимий муборакбод этамиз.

Сизларни баҳорий хуш қайфият йилдағомида асло тарқ этмасин. Ҳонадонингизга файзу барака, дастурхонингизга тўкинлик, оиласибай баҳт, сиҳат-саломатлик тилаймиз, азизлар!

**«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Барчангизни яшариш ва янгилананиш рамзи, баҳор ва уйғониш, азалий қадриятларимиз тимсоли — Наврӯз умумхалқ байрами билан чин қалбимиздан қутлаймиз.

Юртимизга она табиатнинг тенгиси мўъжиҳаси — Наврӯзи олам кириб келиши муносабати билан Сизларга ва оила аъзоларининг фаровонлик, улқан баҳту саодат тилаб қоламиз.

Дилингизни шодлик, дастурхонингизни файзу барака асло тарқ этмасин.

Наврӯз шодиёналари қутлуғ бўлсин!

**«СЕРГЕЛИ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ»**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

## МЕХР-ЭЪТИБОР, ФАМХЎРЛИК БОР ЖОЙДА ИСТЕДОДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хозир спорт мажмуасида ташкил этилган бадий гимнастика машгулолари га юз нафардан зиёд киз мунтазам қатнашмокда. Тўғарракка кизлар 4 ёщдан қабул килинади. Саккизга соғломлаштириш гурӯҳидаги хатфасига уз маротаба бир ярим соатдан машгулут ўтказилади. Мураббийнинг таъкидлашича, шогирдлари орасида Нилуфар Тохирова, Мадина Зокиржонова, Бахорай Бозорова, Севинчбону Норбовна каби иктидор эгалари машгулолар давомида спорт борасида ўз салоҳиятини намоён этмоқда.

Бугун спорта мөхр кўйган бу кизалоқларнинг хаммаси ҳам келажақда чемпион бўлмаслиги мумкин. Аммо уларнинг тани соглом, руҳи тетик, фикри тиник, иродаси мустахкам бўлиши аниқ. Бир кун келиб она бўлганида соглом зурийдни дунёга келтиради ва фарзандига ҳам спорта мөхр тўғусини сингнади.

«Чилонзор» болалар спорт мажмуаси мунтазам равишда мамлакатимиз уч боскличи узулксиз спорт тизимишинг дастлабки бўйин – мактаб ўқувчилаrinинг «Умид ниҳолари» спорт мусобакаси Тошкент шаҳар боскличи учрашувлари, «Болалар лигаси» ва «Ёзги таътил» беллашувларига мезбонлик килди.

Бу ерда ўғил-қизларни спорта генгрок жалб қилиш, машгулоларга қатнаштган болаларнинг маҳоратини ошириш максадида ҳалқаро майдонда юксак ютукларга эришган профессионал спорчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказилади. Футболимиз фахрийси Бирорд Абдураимов, мамлакатимизнинг энг кучли футболчиларидан бири Одил Аҳмадов, Ўзбекистон ўзмилар терма жамоаси аъзолари, трамполин бўйича жаҳон чемпионати ва Пекин Олимпиадаси совориндори Екатерина Хилько каби танили спорт усталини билан учрашувлар болаларда катта таассурот колдири.

Мажмууда тарбияланаштган болалар қатор спорт турлари бўйича мамлакат миқёсидаги мусобакаларда соворини ўринларни эгалламоқда. Мажмуанинг футбол тўғарига қатнаштган болалардан таркиб топган жамоа Ўзбек-

истон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси чемпионатида голиб чиқди. Ёш спортчиларнинг маҳоратини ошириш максадида спортнинг жамоавий ўйин турларидан ташкил этилган «Болалар лигаси» мусобакасида волейбол бўйича ўғил болалар биринчи, кизлар учинчи ўринни эгаллади. Мажмуанинг иктидорли қизларидан таркиб топган баскетбол жамоаси «Болалар лигаси» голиби бўди, ёш футбольчилар эса бронза медални кўлга киритди.

Спортнинг жамоавий ўйин турлари болаларни бир жамоа бўлиб максадида сари интилиш, бирдамлик, дўстлик, мөхр-оқибатга ўргатади, – дейди футбол бўйича мураббий Фарруҳ Йўлдошев. – Футбол, баскетбол, волейбол, кўл тўпи каби спорт турлари билан шуғулланаштган ўйин-қизлар машгулут ва мусобака давомидан доимо ҳаракатда бўлади, югурди, сакрайди. Бу жарёнда бора органзининг барча аъзолари фаол ишлайди, қон айланиши яхшиланади, мускул ва сук тўқималари мустаҳкамланади.

Болалигидан футбольга қизиқаман, – дейди пойтахтимиздаги 168-умумтавлим мактаби ўқувчиси Умиджон Невматуллаев. – Максадим – келажақда Сервер Жепаров, Темур Коладзе, Одил Аҳмадов каби моҳир футболни бўлиш. «Чилонзор» спорт мажмуасининг футбол тўғаригида мураббий Анатолий Коваленковдан футболь сир-асорини пухта ўрганишга ҳаракат киляпман.

Ха, яратилётган бундай улкан имкониятлардан самарали фойдаланиб, жисмонан соглом, мавзанан ётук бўлиб камол топаётган фарзандларимиз сафи тобора кенгаймокда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бизнинг фарзандларимиз гоят истедодли, ақлу заковат бобида хеч кимдан колишибади. Уларнинг иктидорини кадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароити яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
ЎЗА мухабири

## МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ НАШИДАСИ

**Чилонзор туманинаги «Дўмбирибод» маҳалласи шаҳримиздаги энг файзли ва обод гўшалардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу маҳаллада 30 дан ортиқ миллатта мансуб 9 минг 600га яқин аҳоли тинч-тотув ва аҳил-баҳамжиҳат истиқомат қилмоқда.**



Махалла марказининг асосан ҳашар йўли билан куриб битказилганлиги ҳам маҳалла аҳлининг аҳил ва яқид тарзда яшаб келаётганлигидан далолат беради. Ҳозирда «Дўмбирибод» маҳалласида ҳомийларни жалб этган ҳолда спорт мажмуаси ва ёпик сув ҳавзасининг курилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунёдкорлар ушбу иншотларни Мустақиллик байрамига куриб битказишни аҳд қилишган. Маҳалла марказининг бунёд этилиши, бошقا ободонлаштириш ва курилиш ишларида Шукур Рахматов, Раҳим Эгамбердиев, Аъзамхон Ахоров каби фаоллар доимо бошкоч.

Бу йилги баҳорги ободонлаштириш хашарларида ҳам маҳалла аҳли фаол қатнаши. Кўчалар, ариклар тозаланди, юз тупдан ортиқ арча кўчатлари ўтқазилди. Энг мухими, маҳалладаги ҳар бир хонадон ўз кўчасига 3-4 тадан кўчут экишни ният қилган.

Махаллада умумхалк байрамларини нишонлаш ҳам хайрли айнана тусига кирган. Жумладан, куни кечга «Дўмбирибод» тантаналар уйидаги хотин-қизлар ва Наврӯз байрамига багишиланган тадбир бўлиб ўти. Байрам тадбирiga йигилтаплар дастурхонга тортилган кўк сомса, кўк чучвара, сумалак каби баҳорий таомлардан баҳраманд бўлишид, санъаткорлар ижросидаги мафтункор кўй-қўшикларга раксга тушишди. Тадбир давомида «Дўмбирибод» маҳалла фуқаролар йигини раиси Комилжон Қаюмов бошчилигидаги фаоллар томонидан кам таъминланган, кўмакка муҳтоҷ, ногирон фарзандлари бор оиласига саволгар топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ  
Козим Ўлмасов  
олган суратлар

АЭАЗ ҲАМШАҲАДАР!

**Сизларни бетакрор баҳор  
тўзалилиги или юртимизга ташриф  
буюраётган Наврӯз умумхалқ  
байрами билан саимий  
муборакбод этамиз.  
Тинчлик ва ободлик рамзи —  
Наврӯзи олам муносабати билан  
барчангизга куч-файрат, шиҷоат  
ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

«Ўзметмашсанвот» қасаба ўюшмаси Тошкент  
шаҳар кенгашо жамоаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / REKLAMA VA E'YONLAR

## «Тошрангметзавод» ОАЖ

Юртдошларимизни бахорий  
үйзониш ۋا يانغىلىنىش,  
олىشكەنوبلىك ۋا مехр-ساخват,  
دۇستلىك، نۇرافىشىنىك ۋا ئېزدىك  
بۆرۇمى ھىسوبلانمىش



Наврӯзи олам билан муборакбод этади.

Наврӯз – бунёдкорлик, табиатнинг биттаси саховати ۋا  
мангу барҳаётلىк рамзи. У барчамизнинг оиласизغا,  
хонадонимизга фаровонلىك ۋا барака келтирсии! Сизларга  
мөхнат фаолиятингизда мұваффақияттар тилаймиз!

«Quyoshcha-Nuri» МЧЖ жамоаси

Сиз азиз юртдошларимизни тўкин-сочинлик,  
мехр-саҳоват, янгиланиш ۋا яшарыш байрами  
бўлмиш Наврӯзи олам билан чин қалбдан  
муборакбод этади. Наврӯз байрами  
юртимизга тинчлик-хотиржамлик,  
бахт-саодат олиб келсин!

«Berk» бўёқлари ўзининг сифати  
ۋا жаҳон андоузаларыга мослиги  
билан хонадонингизга ҳамиша  
байрамона қайфият улашин!

Махсулот сертификатланган

**Енгил таксида йўловчи  
ташиш фаолияти  
билан  
шуғулланувчилар  
диққатига!**

2012 йилнинг 28 марта куни «Тошкент» телерадиоканалининг кечки дастурларида тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган «Қабул куни» лойиҳаси асосидаги кўрсатув орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида мутасадди ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирокида кўрсатув бўлиб ўтади.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуидаги телефонга мурожаат қилингизни сўраймиз:

«Тошшахартрансхизмат»  
уюшмаси

Тел.: 233-52-23

**ФУҚАРОЛАР ВА  
ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноконунний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган хуқук ва манфаатлари поимол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишенч телефони» тизими жорий этилди.

Ишенч телефони рақами:  
239-35-21.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари  
ва давлат кадастри  
бошқармаси раҳбарияти

